

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВА ГУЛЧЕХРА ҲАМРОЕВНА

**БУХОРОНИНГ КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШЛИ АҲОЛИСИ
ОРАСИДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Ражабова Гулчехра Ҳамроевна

Бухоронинг кекса ва қари ёшли аҳолиси орасида

метаболик синдромнинг

тарқалиши.....

3

Ражабова Гулчехра Ҳамроевна

Распространённость метаболического синдрома у жителей

Бухары пожилого и старческого возраста..... 21

Rajabova Gulchehra Hamroyevna

Prevalence of metabolic syndrome among elderly and

Old age residents of

Bukhara.....

40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВА ГУЛЧЕХРА ҲАМРОЕВНА

**БУХОРОНИНГ КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШЛИ АҲОЛИСИ
ОРАСИДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1042 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш вебсаҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мамасолиев Нematжон Солиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Турсунов Хатам Хасанбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тулабаева Гавҳар Миракбаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулябаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ -сонли баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Р. Аграновский

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда метаболик синдромнинг (МС) асоратлари соғлиқни сақлаш тизимидаги энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. “2015 йилда 195 мамлакатда ўтказилган семизлик муаммоларига бағишланган тадқиқотларга кўра, ушбу патология билан 604 миллион катталар ва 108 миллион болалар азият чекмоқда”¹. Семизликнинг тарқалиши 1980 йилдан буён 73 та мамлакатда икки хиссага ошган ва бошқа аксарият давлатларда кўпайган. Аммо, ушбу тадқиқот натижаларига кўра, семириш эндиликда фаровон ҳаёт касаллиги эмас. Ёш эркаклар (25-29 ёш) орасида семириш тарқалишининг энг катта ўсиши ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичи (SDI) паст бўлган мамлакатларда кузатилган. МС билан боғлиқ глобал ўлим даражаси 1990 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда 28,3%га ошди. МСнинг юқори кўрсаткичлардаги тарқалиши унинг диабет, юрак қон-томир муаммолари билан бир қаторда жигарнинг алкоғолсиз ёғ касаллиги, алкоғолсиз стеатогепатит, уйқудаги обструктив апноэ, ўсма ва бошқа бир қатор жиддий касалликларга мойиллигини инобатга олган ҳолда, муҳим хавотирни чақиради. Бу, авваламбор, аҳоли орасида МС ривожланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишларнинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда семизлик фенотиплари ва магистрал қон-томирлар интима қалинлиги ўртасидаги боғлиқликни, хусусан тасдиқланган атеросклерозда уйқу артериясида аниқлаш учун маълумотларни мета-таҳлил қилган ҳолда популяцияон тадқиқотлар ўтказиш энг долзарб ҳисобланади. Семизликнинг бир қанча метаболик бузилишлар билан боғлиқлигини намоиш қилувчи, жумладан инсулинга резистентлик, артериал гипертензияси бор беморларда МС компонентларининг ифодаланиши билан инсулин рецепторлари субстрат-1 генининг (IRS-1) полиморфизми ўртасида ассоциация борлигини аниқловчи популяцияон геномикага асосланган клиник ҳамда эпидемиологик тадқиқотлар давом эттирилмоқда. МСга генетик мойилликни аниқлаш муаммолари, сўнгги йилларда эса абдоминал семизлик тарқалиши кўрсаткичларининг ирқий/этник фарқлари, шунингдек болалар ва ўспиринларда МСнинг алоҳида компонентларининг тарқалиши ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида МС ва унинг асосий компонентларини эрта ташхислаш натижаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, асоратларини камайтириш, олдини олиш ва даволаш бўйича замонавий дастурлар жорий этилмоқда. МСнинг асосий хавф омилларини назорат қилиш чоралари кўрилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...касалланишни камайтириш ва умр кўришнинг

¹ Saklayen, Mohammad G. “The Global Epidemic of the Metabolic Syndrome” Current hypertension reports vol. 20,2 12. 26 Feb. 2018, doi:10.1007/s11906-018-0812-z

давомийлигини ошириш» устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан унинг ривожланиш сабаблари ва хавф омилларини текшириш орқали МС даволаш натижаларини яхшилаш, шунингдек профилактика чораларини такомиллаштириш долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метаболик синдром диабетнинг 2-типи ва юрак қон-томир касалликлари каби метаболик касалликлар тарқалишининг кўпайиши билан боғлиқлиги исботланган. Wang Helen H. ва ҳаммуал. (2020) маълумотларига кўра, охириги 30 йилда ўсмирлар орасида семизликнинг тарқалиш кўрсаткичи 15% дан 37% га кескин ортган. Ортиқча тана вазни бор ўсмирлар учун ёши улғайганда 50 дан 77% гача семизлик учраши хавфи мавжуд. Агар ота-оналарида ортиқча тана вазни бўлса, бу хавф улар учун 80% гача ошиши мумкин. Varazzoni R. ва ҳаммуал. (2018) томонидан инсулинрезистентлик семизлик ривожланиши учун асосий омил эканлиги ва синдромнинг айрим таркибий қисмларининг патогенезида ахамиятли даражада иштирок этиши аниқланган. Глюкозага толерантлик инсулин-модифицирланган таҳлил ёрдамида аниқланганда, икки ёки ундан ортиқ МС компонентлари бор беморларда инсулинга сезгирлик анча паст даражада эканлиги аниқланган. Инсулинга сезгирликнинг модуляцияси, ҳеч бўлмаганда, қисман оксидланиш-қайтаралиш мувозанати ва оксидланиш стресси, яллиғланиш билан, шунингдек ушбу ўзгаришларни чуқурлаштириши мумкин бўлган митохондриял дисфункциянинг асосий роли билан боғлиқлиги аниқланган. Kumari R. ва ҳаммуал. (2019) томонидан экспериментал тадқиқотлар орқали ёғ тўқимаси «адипокинлар» деб аталувчи, касалликлар ривожланиши ва авж олишида муҳим ахамиятга эга бўлган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

кўплаб омиллар ишлаб чиқариши исботланган, шунингдек семизлик ва МСнинг бошқа компонентлари орасида адипокинларнинг алоқаси борлиги эҳтимоллиги гипотезаси илгари сурилган. Аксарият адипокинлар турли хужайравий жараёнларга кўплаб таъсирлар ўтказиб, МСнинг аномал тавсифли мураккаб тўпламига олиб келади. Адипонектин, лептин, резистиннинг абберант ишлаб чиқарилиши дислипидемия, инсулинрезистентлик ва атеросклероз каби семизлик билан боғлиқ саломатлик муаммолари келиб чиқишига олиб келади.

Касалликларнинг глобал юқини ўрганиш (GBD, 2015) гуруҳи томонидан аҳолиси энг зич бўлган 20 та давлат орасида ўтказилган кўп марказли тадқиқотлар натижаларига кўра, катта ёшли аҳоли орасида семизликнинг энг юқори даражаси 2015 йилда Мисрда - 34,9%; болалар орасида эса АҚШда - 12,7%; катталар орасида энг паст кўрсаткич Вьетнамда - 1,6%; болалар орасида эса Бангладешда - 1,2% кузатилган. Семизликнинг тарқалиши ушбу давлатларнинг 13 тасида 1980 йилдан 2015 йилга қадар икки баровар ёки 2 баробардан кўпга ортди; фақатгина Конго Демократик Республикасида ўсиш кузатилмади. Хитой ва Ҳиндистонда семизлик мавжуд бўлган болалар сони бирмунча кўп бўлган бўлса, 2015 йилда АҚШ ва Филиппинда эса семизлик мавжуд бўлган катталар кўп бўлган.

Ranasinghe P. ва ҳаммуал. (2017) МС патофизиологияси мураккаб ва патогенезида муҳим рол ўйнайдиган инсулинрезистентлик ва липидлар алмашинувининг аномал бошқарилиши билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Наслий мойиллик метаболик синдромнинг омили ҳисобланади ва унинг тарқалиши этник гуруҳлар орасида турлича. Тадқиқотлар, ирсийлик 70% гача ЮЗЛП генлари иштироки билан боғлиқлигини кўрсатди. Амалдаги умум қабул қилинган мезонлардан қатъий назар, дунёнинг барча ривожланган ва ривожланмаган давлатларида МС тарқалиши эпидемия кўламида ортиб бормоқда. МСнинг бундай тез фурсатда кўпайиб бориши 2-тип диабет, гипертония, юрак-қон томир касалликлари ва семизликнинг ўсиб бориши билан кузатилмоқда.

Ўтказилган адабиётлар шарҳи шуни кўрсатдики, охириги йилларда кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида МСнинг эпидемик ва патогенетик жиҳатлари долзарб ва ўрганилмаган. Шунинг учун кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида МС ривожланишида муҳим ҳисобланган предикторларни эрта аниқлаш буйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш, ҳамда бу касалликнинг асосий сабабларидан бўлган қандли диабет ва семизликни камайтириш учун профилактик чораларни янада такомиллаштириш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.2019.PhD058-сон «Бухоро вилоятининг иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Бухоронинг кекса ва қари ёшдаги аҳолиси орасида метаболлик синдромнинг тарқалишини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек уларни эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича адекват чораларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кекса ва қари ёшдаги аҳоли популяцияси орасида метаболлик синдром ва унинг компонентларининг тарқалишини аниқлаш (Бухоро шаҳри мисолида);

Бухоро шаҳрининг катта ёшли аҳолиси орасида метаболлик синдромнинг этник ҳамда ёш ва жинсга хос тарқалиш хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш;

кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболлик синдромга хос бўлган клиник симптомлар хусусиятларини ва унинг учраш даражасини аниқлаш;

кекса ва қари ёшдаги аҳолида метаболлик синдромни эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича адекват чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Бухоро шаҳрининг барча 10 та оилавий поликлиникаларида текширувдан ўтказилган 60-89 ёшдаги 1497 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети метаболлик синдромни комплекс баҳолаш маълумотлари ва уларнинг аҳолининг этник, гендер, ёшга доир хусусиятлари билан боғлиқлиги таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, биохимик, сўровнома ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболлик синдромнинг ривожланиши ва авж олишининг асосий патогномик хавф омилларини верификация қилган ҳолда преморбид фон ҳамда унинг “полиморбид йўналиши” нинг юқори тарқалганлигини акс эттирувчи популяцион қонуниятлар аниқланган;

кекса ва қари ёшдаги аҳолида липидли ва гликемик компонентларнинг бузилиши ҳамда метаболлик синдром учун хос бўлган клиник белгиларнинг ифодаланиши орасидаги бевосита корреляцион боғлиқлик исботланган;

туб аҳоли орасида дори-дармонли ятрогения ва/ёки полипрогмазияга боғлиқ ҳолда «метаболлик сўнгги нуқталар» намоён бўлиши ҳамда абдоминал семизлик метаболлик синдром ривожланишида асосий предиктор сифатида устунлиги аниқланган;

кекса ва қари ёшдаги аҳолида метаболлик синдром компонентлари тарқалишида ишончли этник ва гендер фарқлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метаболлик синдром ва унинг компонентларини ўрганишда хавф омиллари даражасини аниқлаш асосида худудий профилактик дастурларни режалаштириш ва амалга ошириш учун илмий асосланган маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

“метаболлик сўнгги нуқталар” шаклланишига боғлиқ ҳолда метаболлик синдром, семизлик ва ортикча тана вазнига олиб келувчи асосий омилларни аниқлаш учун тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган;

кекса ва қари ёшдаги туб ва туб бўлмаган аҳоли орасида дифференциаллашган профилактик чора-тадбирлар стратегиясини оптималлаштиришга имкон берган метаболик синдром компонентлари тарқалишининг этник ва гендер хусусиятлари аниқланган;

кекса ва қари ёшдаги аҳолининг этник, гендер ва ёшга оид хусусиятларини инобатга олган ҳолда метаболик синдромни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий лаборатория ва инструментал ташхисот усулларидан фойдаланилганлиги, замонавий эпидемиологик, методологик ёндашувлар қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, генетик мойиллик таъсирини ҳисобга олган ҳолда абдоминал семизлик ва инсулин резистентликни даволашнинг қониқарсиз натижаларини янги предикторларини аниқлаш билан бирга кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдромнинг патогенези, семизлик, “метаболик сўнгги нуқталар” шаклланишини ўрганишга катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Бухоронинг кекса ва қари ёшдаги аҳолиси орасида метаболик синдромнинг этник ва гендер хусусиятларининг таҳлили туб ва туб бўлмаган аҳоли орасида ушбу патология тарқалишининг турлича намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, шунингдек метаболик синдром мавжуд бўлган беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш ва дифференциаллашган профилактик чораларни танлаш стратегиясини оптималлаштиришга йўналтирилган тактик алгоритмни ишлаб чиқиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром ва унинг асосий компонентларини тарқалишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларини олдини олиш усулларини тадбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларининг профилактик усулларини тадбиқ этиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 08-09/5823-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида метаболик синдром ва унинг компонентларини эрта аниқлашнинг скрининг усулларини ҳамда аҳолига метаболик синдром ҳақида маълумот бериш учун кексалар билан фаол мулоқот қилиш дастурини ишлаб чиқиш имконини берган;

кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларини эрта ташхисотини мақбуллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кекса ва қари ёшдаги

аҳоли орасида метаболик синдром компонентларини амбулатор шароитдаги эрта ташхисотини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 08-09/5823-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган услубий тавсиялар метаболик синдром хавф даражасини баҳолашни оптималлаштириш, бу эса мазкур тоифадаги беморларга даво-профилактик чораларни ўз вақтида ўтказиш имконини берган;

кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром ва унинг асосий компонентларини тарқалишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор, Қорақўл, Пешкў, Бухоро туманлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда Бухоро шаҳар Марказий поликлиникаси амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 08-09/5823-сон маълумотномаси). Метаболик синдромни аниқлаш бўйича таклиф қилинган тавсиялар комплекси ушбу патологиянинг таркибий қисмларига нисбатан келажакдаги вазиятни башорат қилишга, шунингдек, хавф омиллари таъсирини камайтиришга ва шунга мувофиқ умумий касалланиш ҳамда ўлимни камайтиришга ёрдам берувчи мониторинг дастури ва иккиламчи профилактикани оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, мақсад ва вазифаларни, объект ва предметни тавсифлашга бағишланган. Изланишнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кекса ва қари ёшли одамларда метаболик синдром ва унинг компонентларининг тарқалганлигини ўрганиш**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари, метаболик синдром ва унинг асосий компонентлари муаммолари таҳлил

қилинган. Клиник, ҳамда популяцион тадқиқотлар соҳасида адабиётларда келтирилган маълумотлар кенг ёритилган, ёшга боғлиқ ўзгаришлари ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник материал, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари умумий тавсифи батафсил баён этилган. Мазкур тадқиқот МС ва унинг асосий компонентларининг тарқалганлигида минтақавий фарқлар эҳтимоли мавжудлиги нуқтаи назаридан, Бухоро шаҳридаги кекса ва қари ёшидаги уюшмаган аҳоли орасида МС ва унинг асосий компонентлари тўғрисидаги популяция маълумотларининг таҳлилини ўз ичига олган.

Биринчиси 60-74 ёшли эркаклар ва аёллар орасида, иккинчиси эса 75-89 ёшли эркаклар ва аёллар орасида 1503 нафар инсондан ташкил топган 2 та репрезентатив танлов шакллантирилган. Бухоро шаҳрида яшовчи барча кекса ва қари ёшидаги шахсларни ўз ичига олувчи сўнгги сайлов рўйхатидан популяциянинг иккала танловида ҳам 1503 нафар кишидан 10% ли тасодиқий пропорционал танловлар тузилган, улар мос равишда 1255 ва 248 кишини ташкил қилган. Текширув қамрови танловлар бўйича мос равишда 1251 (99,7%) ва 246 (99,2%) нафар кекса ва қари инсонларни ташкил қилган.

Популяция тадқиқоти 2017-йилнинг январидан 2019-йилнинг декабригача босқичма-босқич популяцияли рағбатлантириш усулини қўллаган ҳолда (Воевода М.И. ва ҳаммуал., 2009) ўтказилган, бунда жами 1497 нафар киши текширилган, “қатнашганлар” – 99,6% ни, “иштирок этмаганлар” гуруҳи эса – 0,4% ни ташкил қилган.

Популяцион текширув ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган “Сурункали ноинфекцион касалликларни аниқлаш учун сўровнома- харитаси”дан фойдаланган ҳолда ўтказилган (STEPS WHO, 2014).

Инструментал текшириш усуллари:

Артериал қон босимини (АҚБ) баҳолашда 2 дақиқадан кам бўлмаган интервал билан 2 маротаба ўлчанганда олинган кўрстакичларнинг ўртача қиймати ҳисобга олинган. ЖССТнинг АҚБ бўйича охириги таснифига мувофиқ куйидаги тоифалар фарқланган (мм.сим.уст.): оптимал АҚБ (САБ < 120; ДАБ < 80); меъёрий АҚБ (САБ < 130; ДАБ < 85); юқори меъёрий АҚБ (САБ 130-139; ДАБ 85-89); АҚБ 1-даражаси (САБ 140-159; ДАБ 90-99); АҚБ 2-даражаси (САБ 160-179; ДАБ 100-109); АҚБ 3-даражаси (САБ > 180; ДАБ > 110). МС борларда АҚБ САБ 130 мм.сим.уст ва ДАБ 85 мм.сим уст бўлганда қабул қилинган.

Ортиқча тана вазни, семизлик бўйича Халқаро гуруҳнинг (1997) тавсияларига биноан Кетле индексида (КИ) қайд этилган: оғирлик (кг) / бўйи (м²), 25дан 29.9 гача ва семизлик учун КИ даражаси ≥ 30 қабул қилинди. - Халқаро Диабет федерацияси (IDF, 2005) мезонлари бўйича абдоминал (марказий) семизлик (АС) аниқланди. Абдоминал семизлик учун эркакларда бел айланаси 94 см, аёлларда эса 80 см қилиб олинган.

Биокимёвий текширувлар:

Веноз қонда липидлар миқдори: холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ) даражаси ўрганилган. Гиперхолестеринемия (ГХ) сифатида ХС > 6,1 ммол/л,

гипертриглицеридемия (ГТГ) сифатида - ТГ > 1,7 ммол/л қийматлари қабул қилинган.

Глюкозага толерантлик ҳолати ЖССТ мезонлари (1999) бўйича, глюкозага толерантлик стандарт тест (ГТТ) кўрсаткичлари асосида, наҳордаги глюкозани аниқлаш билан, шунингдек, 75гр глюкоза юкламадан 1 ва 2 соат ўтгач баҳоланган. Олинган маълумотлар қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланган (ммол/л, мг%): глюкозага нормал толерантлик: оч қоринга гликемия даражаси <6,1 (110) ва 2 соатдан кейин <7,8 (140); оч қоринга гликемиянинг бузилиши: оч қоринга гликемия даражаси \geq 6,1 (110) лекин <7,0 (126) ва 2 соатдан кейин гликемия <7,0 (126); глюкозага толерантликнинг бузилиши: оч қоринга гликемия <7,0 (126) ва 2 соатдан кейин гликемия \geq 7,8 (126) лекин <11,1 (200); қандли диабет: оч қоринга гликемия \geq 7,0 (126) ва 2 соатдан кейин \geq 11,1 (200).

Хавф омилини баҳолаш мақсадида ЖССТ мезони (WHO, 2014) қўлланилган.

Тадқиқот давомида олинган эпидемиологик маълумотларга математик ишлов бериш Statistics for Windows (version 10.0) Microsoft Office Excel 7,0 амалий дастур пакети орқали бевосита амалга оширилган.

Ўзаро боғлиқ бўлмаган танловларда фарқлар аҳамиятини аниқлаш учун Манна-Уитнинг U-мезонидан фойдаланилган. Сифат белгиларининг частотасини таққослаш учун имкониятлар нисбатининг ҳисоби ўтказилган. МС билан касалланишнинг нисбий хавфи (НХ), ҳар кунлик компонентларнинг ассоцияцияланишини адабиётлар қидирилиши давомида Россиялик тадқиқотчиларнинг усулларидан фойдаланиб аниқланган (Концевая А.В. ва ҳаммуал., 2016).

Диссертациянинг «**Ўтказилган тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи боби олинган натижаларга бағишланган. **“Бухоро шахрининг кекса ва қари ёшидаги популяциясида метаболик синдром тарқалиши кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили”** номли кичик боби касаллик ёки клиник синдромнинг тарқалганлиги тўғрисида объектив маълумотлар таҳлилига бағишланган, бу унинг эрта ташхисланиши ва профилактикасига монанд чоралар ишлаб чиқишда асос ҳисобланган. Шунинг учун тадқиқотимизнинг мақсади Бухоро минтақасида кекса ва қари ёшдаги шахсларда МС тарқалганлигини популяция даражасида баҳолашдан иборат бўлган.

Кекса ва қари ёшли аҳолининг турли ёш гуруҳларида МС структураси кўриб чиқилган ((МС_I-«АС+АГ+ПЗЛП», МС_{II}-«АС+АГ+ЮЗЛП», МС_{III}-«АС+АГ+ГТГ» и МС_{IV}- «АС+АГ+ГГ») (1-жадвал).

Умуман олганда 60-89 ёшли популяцияда турли МС тоифаларининг тарқалганлиги қуйидаги частота кўрсаткичлари билан аниқланган: МС_I – умумий популяцияда -43,2%, эркакларда 34,5% ва аёлларда – 65,5%; МС_{II}-22,0%, шу жумладан эркакларда 37,1% ва аёлларда - 62,9%; МС_{III}-27,8%, эркакларда 38,3 % ва аёлларда 61,7%; МС_{IV}-умумий популяцияда – 22,4%, эркакларда 31,0% ва аёлларда – 69,0%.

Кекса ва қари ёшли аҳолининг турли гуруҳларида метаболик синдром структурасининг қиёсий таҳлили

Барча текширилган аҳоли гуруҳлари (N=1497)						
МС структураси абс. (%)	КЁП		ҚЁП		УП	
	А, абс. / %	Э, абс. / %	А, абс. / %	Э, абс. / %	А, абс. / %	Э абс. / %
МС _I , 658 (43,2)	358(60,0)*	195(35,5)	73(52,9)*	32(29,6)	431(65,5)*	227(34,5)
P	<0,01	<0,05	<0,05	<0,05	>0,05	>0,05
МС _{II} , 331 (22,0)	165(23,5)	112(20,4)	36(26,1)*	18(16,7)	201(62,9)*	130(37,1)
P	<0,05	<0,05	<0,05	<0,05	>0,05	>0,05
МС _{III} , 457 (27,8)	230(32,8)*	124(22,6)	46(43,3)**	17(15,7)	276(61,7)*	141(38,3)
P	<0,01	<0,05	<0,05	<0,01	>0,05	>0,05
МС _{IV} , 334 (22,4)	179(24,4)*	94(17,1)	46(33,3)**	15(13,9)	225(69,0)**	109(31,0)

Изоҳ: МС_I – «Абдоминал семизлик» (АС)+АГ+ПЗЛП; МС_{II} – «АС+АГ+ЮЗЛП»; МС_{III} – «АС+АГ+ГТГ»; МС_{IV} – «АС+АГ+гипергликемия (ГГ)»; P – МС_I гуруҳига нисбатан фарқлар ишончилиги кўрсатилган.

2-жадвалда 60-89 ёшли туб бўлмаган аҳоли ва маҳаллий аҳолида метаболик синдром тарқалганлиги структурасининг қиёсий таҳлили натижалари келтирилган.

60-89 ёшли туб бўлмаган ва туб бўлган аҳолида метаболик синдром тарқалганлиги структурасининг қиёсий таҳлили

Этник гуруҳлар	МС структураси			
	МС _I абс. (%)	МС _{II} абс. (%)	МС _{III} абс. (%)	МС _{IV} абс. (%)
Туб бўлмаган аҳоли	61 (9,3)	33 (10,0)	23 (5,5)	32 (9,6)
P	<0,001	<0,001	<0,001	<0,001
Туб аҳоли	597 (90,7)	298 (90,0)	394 (94,5)	302 (90,4)
Жами	658 (100,0)	331(100,0)	417(100,0)	334 (100,0)

Туб бўлмаган аҳоли ва туб аҳолидан олинган маълумотларга кўра МСнинг турли тоифалари мос равишда: МС_I-9,3% ва 90,7% (P <0,001), МС_{II}-10,0% ва 90,0% (P<0,001), МС_{III}-5,5% ва 94,5% (P<0,001) ва МС_{IV}-9,6% ва 90,4% (P<0,001)ни ташкил этган. Аборигенларда МС нинг барча турлари четдан келган аҳолига қараганда кўпроқ рўйхатга олинган. Шундай

килиб, умумий ҳисобда аборигенларда (туб аҳоли) МС тарқалганлиги 91,4%, четдан келган аҳолида эса – 8,0% ни ташкил қилган.

3-жадвалда турли ёш гуруҳларидаги эркаклар ва аёллар орасида МС нинг асосий компоненти – абдоминал семизликнинг тарқалганлигини баҳолаш натижалари берилган. АС аёлларда (72,9%), эркакларга (57,8%) караганда 1,2 марта кўп учраганлиги аниқланган. АС энг юқори тарқалганлиги аёллар (91,8%) ва эркакларнинг (63,6%) 60-74 ёш гуруҳларида бўлган; $P < 0,05$. АС 75 дан 89 ёшгача аёллар ва эркакларда нисбатан паст частота билан аниқланди – мос равишда 26,8% ва 28,7% ($P > 0,05$).

3-жадвал

60 дан 89 ёшгача бўлган эркаклар ва аёллар орасида абдоминал семизлик тарқалганлигини қиёсий баҳолаш

Текширилганларнинг гуруҳлари	Популяциянинг ёши, сони	АС популяцион тавсифи	
		АС «-» абс. (%)	АС «+» абс. (%)
Аёллар популяцияси	60-74 ёш, 702	57 (8,2)	645(91,8)***
	P	<0,001	
	75-89 ёш, 138	101 (73,2)	37(26,8)
	60-89 ёш, 840	158 (27,1)	682 (72,9)**
Эркаклар популяцияси	P	<0,05	
	60-89 ёш, 657	277(42,2)	380(57,8)*
	60-74 ёш, 549	200(36,4)	349(63,6)*
	P	<0,05	
	75-89 ёш, 108	77(71,3)	31 (28,7)
Умумий популяция	60-89 ёш, 1497	435(29,0)	1062(71,0)

4-жадвал

Популяциянинг турли этник гуруҳларида абдоминал семизлик тарқалганлиги натижаларини қиёсий баҳолаш

Этник гуруҳлар	Ёши, абс.	АС аниқланиши	
		АС «-» абс. (%)	АС «+» абс. (%)
Туб бўлмаган (руслар, татарлар, козоқлар)	60-74 ёш, 144	90 (62,5)	54(37,5)
	P	<0,01	
	75-89 ёш, 43	36 *86,1)	7(13,9)
	60-89 ёш, 187	126 (65,8)	63(34,2)
Туб аҳоли (ўзбеклар, тожиклар, қорақалпоқлар)	P	<0,05	
	60-89 ёш, 1397	512(37,6)	845 (62,2)*
	60-74 ёш, 1146	379(33,8)	767(66,2)*
	P	<0,05	
	75-89 ёш, 211	135(61,9)	76 (35,1)

4- жадвалда аҳолининг турли этник гуруҳларида АС тарқалганлиги натижаларининг қиёсий баҳоси келтирилган.

АС туб аҳолидан кўра (62,2%) туб бўлмаган аҳолида 2 марта кўп аниқланган - 34,2% ($P < 0,05$). МС нинг ушбу таркибий қисми 75-89 ёшлилар

гуруҳига қараганда, 60-74 ёшли туб бўлмаган (37,5%) ва туб аҳоли (66,2%) ($P < 0,05$) гуруҳларида юқори тарқалганлиги кўрсатилган.

МС нинг навбатдаги модификацияланадиган компоненти – кекса ва қари ёшдаги аёллар ва эркаклар популяциясида юқори артериал босимнинг тарқалганлигини ўрганиш бўйича таҳлил натижалари тақдим қилинган (КҚЁАП, КҚЁЭП).

Шундай қилиб, КҚЁАП ва КҚЁЭП ўрганилган популяциясида МС нинг ушбу етакчи компоненти 60-89 ёш, 60-74 ёш ва 75-89 ёш гуруҳларида мос равишда 66,6%, 69,1% ва 54,3%, 61,2%, 64,1% ва 47,2% да ифодаланган.

ЮЗЛП, МС липид таркибий қисмининг тарқалганлигини ўрганиш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Кекса ва қари ёшдаги аёллар ва эркаклар популяциясида МС модификацияланадиган компоненти, юқори зичликдаги липопротеидларнинг популяцияли тавсифи

Гуруҳлар	Ёш, абс.	Тарқалганлиги	
		Абс. /	%
КҚЁАП	60-74 ёш, 702	350	49,9
	P	>0,05	
	75-89 ёш, 138	62	44,9
	60-89 ёш, 840	412	47,7
КҚЁЭП	P	<0,05	
	60-89 ёш, 657	244	35,7
	60-74 ёш, 549	206	45,0
	P	>0,05	
	75-89 ёш, 108	38	35,2
Умумий популяция	60-74 ёш, 1251	556	43,2
	P	>0,05	
	75-89 ёш, 246	100	40,5
	60-89 ёш, 1497	656	33,8


ЮЗЛП (гипо- ЮЗЛП) энг кўп тарқалган гуруҳ 60-74 ёшли шахслар гуруҳи бўлган 43,2%, қари ёшдаги (75-89 ёш) шахсларда эса – гипо- ЮЗЛП 40,5% дан ортиқ бўлмаган ($P < 0,05$) частотада аниқланган. Умумий популяцияда (60-89 ёш) 33,8% ҳолатда кузатилган.

Тадқиқотлар, шунингдек МС нинг умумий популяцияда бирламчи аниқланган гипергликемия (ГГбба), анамнезида бор гипергликемия (ГГА) ва глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ) каби компонентлари камроқ учраганлигини кўрсатилган.

Бизнинг маълумотларга кўра, Бухоро шаҳрида кекса ва қари ёшдаги шахсларда метаболит синдромнинг ГГбба компонентининг тарқалганлиги 13,1% ни ташкил қилган (кекса ёшдаги шахсларда 13,7%, қари ёшдаги шахсларда 4,1%, $P < 0,001$).

Кекса ва қари ёшдаги аёллар популяцияси орасида биринчи бор аниқланган гипергликемиянинг тарқалганлиги 16,6% частота билан аниқланган (60-74 ёшли аёлларда 19,5%, 75-89 ёшли аёлларда 3,6%, $P<0,001$). Репрезентатив танлов вакиллари, 60-89 ёшли эркакларда ГТбба тарқалганлиги 8,9% ни ташкил қилган (60-74 ёшли эркакларда 9,8%, аёлларда 4,6%; $P<0,01$). Шундан келиб чиқиб, олинган натижаларга кўра ГТбба кекса ёшдаги аёлларда эркакларга қараганда 2 марта кўп ($P<0,05$) қайд этилган.

1-расмда 60 ёшдан 74 ёшгача ҳамда 75 ёшдан 89 ёшгача аёллар ва эркакларда анамнезида гипергликемия (ГГА) тарқалганлиги бўйича аниқланган кўрсаткичлар тақдим қилинган.



1-расм. 60 ёшдан 74 ёшгача ҳамда 75 ёшдан 89 ёшгача аёллар ва эркакларда анамнезида гипергликемия ва ГТБ тарқалганлигининг кўрсаткичлари (%).

Шундай қилиб, умумий популяцияда, аёлларнинг репрезентатив танловида ГГА тарқалганлиги 13,5% (60-74 ёшли аёлларда 12,5%, 75-89 ёшли аёлларда 13,5%, $P>0,05$) ни ташкил қилган. Ёш ўтиши билан ГГА 1,3% га ортиши, яъни кекса инсонлар – аёлларнинг белгиланган икки гуруҳларида МС нинг мазкур таркибий қисмини статистик ишончли фарқи кузатилган.

Шаҳарнинг 60-89 ёшли аёллар ва эркаклар аҳолисининг репрезентатив танловида ГТБ тарқалганлиги 13,0% ни ташкил этган (60-74 ёш популяцияда 12,5% ва 75-89 ёш популяциясида 15,5%; $P>0,05$).

Ўрганилган КҚЕАП ва КҚЕЭП популяциясида глюкозага толерантликнинг бузилиши мос равишда қуйидаги тарқалганлик даражаларида аниқланган: 60-89 ёш оралиғида – 13,2% ва 12,1% дан ($P>0,05$), 60-74 ёш оралиғида – 11,7% ва 11,8% ($P>0,05$) ва 75-89 ёш оралиғида 13,4% дан 17,6% ($P<0,05$).

Диссертациянинг «Бухоронинг кекса ва қари ёшли аҳолиси орасида юрак қон – томир касалликларининг асосий хавф омиллари ва уларнинг метаболик синдром компонентлари билан биргаликда

тарқалиш хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида қуйидаги натижалар батафсил келтирилган: МС ривожланишида чекиш, АГ, ОТВ, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, гиподинамия, сабзаёт ва меваларни кам истеъмол қилиш каби омилларнинг тарқалганлиги ўрганилган ва Бухоро шароитида ЮҚТКларинг популяцион текшириш натижалари келтирилган. Тадқиқотда Бухоро шароитида сабзаёт ва меваларни истеъмол қилишнинг камлиги -50,7%, гиподинамия – 90,8%, спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар- 22,4%, чекиш – 11,1%, семизлик -33,6%, ОТВ-42,6% ва АГ 54,0% гача хавф омилларининг тарқалганлиги ўрганилган.

6-жадвалда текширилган популяцияда метаболик синдроми бор аҳолининг рационал овқатланиш частотаси келтирилган.

6-жадвал

Метаболик синдроми билан текширилган беморлар гуруҳида овқатланишнинг рационаллиги частотасига кўра тарқалиши

Текширилганлар гуруҳи	Ёши, абс. Популяциясони	“Фойдали ёғлар” ўсимлик мойлар истеъмоли абс. / %	“Зарарли” хайвон ёғлар истеъмоли абс. / %
КҚЁАП	60-74 ёш, 506	445(87,9)*	61(12,1)
	P	>0,05	>0,05
	75-89 ёш, 47	41(87,2)***	6 (12,8)
	60-89 ёш, 553	486 (87,9)***	67(11,1)
КҚЁЭП	P	>0,05	>0,05
	60-89 ёш, 390	323 (82,8)**	67 (17,2)
	60-74 ёш, 343	286(83,4)***	57 (16,6)
	P	>0,05	>0,01
	75-89 ёш, 47	37 (78,7)***	10 (6,4)
Умумий популяция	60-74 ёш, 849	731 (85,6)	118(14,4)
	P	>0,05	>0,05
	75-89 ёш, 94	78(83,0)***	16 (17,0)
	60-89 ёш, 943	809 (86,9)***	124 (13,1)

Бухоро шаҳрининг кекса ва қари ёшдаги уюлмаган эркак ва аёл популяцияси орасида рационал овқатланиш, ҳамда МС ва унинг компонентлари тарқалиши ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланган.

Кейин, кекса ва қари ёшдаги аёллар ва эркаклар популяцияси орасида ортиқча тана вазни ва семизлик тарқалганлигининг қиёсий баҳоси, умуман ТВИ ва семизлик частотаси аёлларга қараганда, эркакларда бирмунча юқори эканлигини кўрсатган (7-жадвал).

**КҚЕАП ва КҚЕЭП популяциясида МС нинг “предиктор омили”
ортиқча тана вазнининг тарқалганлиги**

Гуруҳлар	Ёш, абс.	ОТВ, абс. / %	Семизлик		
			1-даража абс. / %	2-даража абс. / %	3-даража абс. / %
КҚЕАП	60-74 ёш, 702	284 (40,9)	148(21,1)	62(8,8)	34(4,9)
	P	<0,05	<0,05	>0,05	<0,01
	75-89 ёш, 138	37(26,8)	24(17,4)	8(5,8)	2(1,4)
	60-89 ёш, 840	324(38,6)	172(20,5)	70(8,3)	36(4,3)
КҚЕЭП	P	<0,05	<0,05	>0,05	<0,01
	60-89 ёш, 657	269(40,9)	161(24,5)	56(8,5)	18(2,4)
	60-74 ёш, 579	254(43,5)	150(27,3)	38(6,9)	18(3,3)
	P	<0,05	<0,05	>0,05	<0,01
	75-89 ёш, 108	15 (13,9)	11(10,2)	18(16,7)	0,0(0,0)
Умумий популяция	60-74 ёш, 108	15(13,9)	11(10,2)	18(16,7)	0,0(0,0)
	P	<0,05	<0,05	>0,05	<0,01
	75-89 ёш, 246	52(21,5)	35(14,3)	26(10,5)	2(0,8)
	60-89 ёш, 1497	593(39,6)	233(15,5)	231(15,0)	54(3,6)


Шундай қилиб, эпидемиологик маълумотлар кекса ва қари ёшдаги аёллар ва эркаклар популяциясида метаболик синдроминг асосий ва ахамиятли “предиктор хавф омили” сифатида ортиқча тана вазни ҳамда 1-даражали семизлик энг юқори частотада кузатилишини кўрсатган.

МС ривожланишига гиподинамия ва сабзаёт ва меваларнинг кам истеъмол қилиниши (СМКИҚ) каби омиллар таъсир қилган. Тадқиқотимизда кекса ва қари ёшдаги популяция орасида ОЖФ, ЎЖФ, ПЖФ ва ЖФБ – жисмоний фаоллик кўрсаткичлари 31,2% ҳолатда, шунингдек мос равишда - 33,1%, 23,9% ва 11,8% да қайд этилган.

Жисмоний фаоллиги бўлмаганлар қуйидаги даражаларда рўйхатга олинган: кекса ёшдаги аёллар ва эркаклар популяциясида – 12,8 ва 15,3% ($P>0,05$); қари ёшдаги эркаклар ва аёллар популяциясида – 25,5% ва 36,2% ($P<0,05$).

Тадқиқотда ишлаб чиқилган алгоритм (2-расм) кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларини профилактик усулларини

тадбиқ этишни такомиллаштиришга ва амбулатор шароитдаги эрта ташхисотини оптималлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган. Тадбиқ этиш натижалари кекса ва қари ёшли аҳоли орасида сурункали ноинфекцион ва юрак қон-томир касалликлари эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида кексаларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва метаболик касалликлари бўлган кекса ва қари ёшдаги аҳолини ҳаёт давомийлигини узайтириш имконини беради.



2-расм. Кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида МС ни самарали аниқлаш, кузатиш, даволаш ва муваффақиятли олдини олиш алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

1. Бухоро шахрининг кекса ва қари ёшдаги популяцияда МСнинг преморбид фони ва МС “полиморбид йўналиши” юқори даражада тарқалган. Кекса ва қари ёшдаги популяцияда преморбид (организмнинг касалликдан олдинги ҳолати – баъзан продром ҳолати деб аталади) ва метаболик синдромнинг полиморбид фони (беморда икки ёки ундан ортиқ касаллик мавжудлиги, бир вақтнинг ўзида патогенетик ёки бошқа йўл билан бир-бири билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган), метаболик касаллик билан чамбарчас боғлиқлиги кузатилди.

2. Эпидемиологик маълумотлар шуни кўрсатдики, кекса ва қари ёшдаги аёл ва эркаклар популяциясида метаболик синдромнинг асосий ва муҳим “предиктор хавф омили” ортиқча тана вазни ва 1-даражали семизликнинг частотаси кўпроқ учраши билан ифодаланади.

3. Метаболик синдромнинг липид ва гликемик компонентлари кекса ёшдаги аёлларда кўпроқ аниқланиши билан тавсифланган; қари ёшли аҳоли ўртасида нисбатан паст аниқланиш кузатилган. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, МСнинг биринчи бор аниқланган гипергликемия, анамнезида бор гипергликемия ва глюкозага толерантликнинг бузилиши каби компонентлари текширилган популяцияда кам учраши кузатилган.

4. Ишлаб чиқилган МС ни олдини олиш ва даволаш алгоритмидан фойдаланиш, нафақат МС ва унинг компонентлари билан курашишнинг мавжуд усуллари оптималлаштириш имконини беради, балки кекса ва қари ёшдаги аҳоли орасида ЮҚТК ва СЮБК муносабатида эпидемиологик шароитнинг сезиларли даражада яхшиланишига эришалади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РАЖАБОВА ГУЛЧЕХРА ХАМРОЕВНА

**РАСПРОСТРАНЁННОСТЬ МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА У
ЖИТЕЛЕЙ БУХАРЫ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА**

**14.00.43 – Профилактическая медицина
14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.1. PhD/Tib1042.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (info@adti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научные руководители:

Мамасолиев Нематжон Солиевич
доктор медицинских наук, профессор

Турсунов Хатам Хасанбаевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Тулабаева Гавхар Миракбаровна
доктор медицинских наук, профессор

Рустамова Мамлакат Тулябаевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущее учреждение:

Самаркандский государственный медицинский институт

Защита состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании разового совета Научного Совета PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

М.М. Мадазимов

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Ф. Нишанов

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Р. Аграновский

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире осложнения метаболического синдрома (МС) остаются одной из самых актуальных проблем в системе здравоохранения. «Согласно глобальному исследованию ожирения в 195 странах, проведенному в 2015 году, этой патологией страдают 604 миллиона взрослых и 108 миллионов детей. С 1980 г. распространенность ожирения удвоилась в 73 странах и увеличилась в большинстве других стран»¹. При этом, согласно этому исследованию, ожирение больше не является болезнью недостатка. Наибольший рост распространенности ожирения среди молодых мужчин (25-29 лет) произошел в странах с низким социально-экономическим индексом (SDI). В период с 1990 по 2015 год глобальный уровень смертности, связанной с МС, увеличился на 28,3%. Высокая распространенность вызывает особую тревогу, учитывая, что МС предрасполагает к ряду серьезных заболеваний, помимо диабета и сердечно-сосудистых проблем, включая неалкогольную жировую болезнь печени, неалкогольный стеатогепатит, обструктивное апноэ во сне, рак и многие другие серьезные болезненные состояния. Это указывает на высокую актуальность продолжения научных исследований, направленных прежде всего на разработку мероприятий по профилактике развития МС среди населения.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными являются популяционные поперечные исследования с мета-анализом данных для определения связи между фенотипами ожирения и толщиной интимы магистральных сосудов, в частности сонной артерии при доказанном атеросклерозе. Продолжаются клинические и эпидемиологические исследования, основанные на популяционной геномике, демонстрирующие тот факт, что ожирение часто связано со многими метаболическими нарушениями, включая резистентность к инсулину, определяются ассоциации полиморфизма гена субстрата-1 рецептора инсулина (IRS-1) с выраженностью компонентов МС у пациентов с артериальной гипертензией. Изучаются проблемы выявления генетической предрасположенности к МС, а в последние годы расовые/этнические различия в показателях распространенности абдоминального ожирения, а также отдельных компонентов МС у детей и подростков.

В системе отечественного здравоохранения также проводятся мероприятия, направленные на улучшение результатов ранней диагностики МС и его основных компонентов, внедряются современные программы профилактики, лечения и уменьшения осложнений. Принимаются меры по контролю основных факторов риска МС. В стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы определены приоритетные задачи такие, как «...обеспечение снижения

¹ Saklayen, Mohammad G. "The Global Epidemic of the Metabolic Syndrome." Current hypertension reports vol. 20,2 12. 26 Feb. 2018, doi:10.1007/s11906-018-0812-z

заболеваемости населения и увеличение продолжительности жизни»². Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения МС путем верификации причин и факторов риска его развития, а также совершенствования профилактических мероприятий является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» за №УП-6110 от 12 ноября 2020 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» за №ПП-4063 от 18 декабря 2018 года и «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» за №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

